

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КИНЖАЕВА ГУЛБОХОР САТТАРКУЛОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ - ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кинжаева Гулбохор Саттаркуловна

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий
ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологияси 3

Кинжаева Гулбохор Саттаркуловна

Технология подготовки студентов к организации духовно-просветительской
работы в процессе профессионально-педагогического образования.....25

Kinjaeva Gulbokhor Sattarkulovna

The technology of preparing students for the organization of spiritual and
educational work in the process of vocational education 47

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КИНЖАЕВА ГУЛБОХОР САТТАРКУЛОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ - ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.Phd/Ped23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурманова Айниса

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанова Кибриё

педагогика фанлари номзоди, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «1» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Х.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг миллий, умумбашарий бадиий кадриятлар уйғунлигидан иборат маълум халқ, жамият, тарихий даврга хос маънавий-маърифий талабларга жавоб берадиган инфратузилмасини ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни жамият тараққиёти учун хизмат қилишга тайёр, фуқаролик позициясига эга мутахассислар этиб тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, Буюк Британия (University of Cambridge), АҚШ (Harvard University), Германия (University of Heidelberg), Жанубий Корея (Аджу Университети) каби илғор хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларида касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашда тьютор, эдвайзерлик моделларидан самарали фойдаланиш, виртуал ҳамжамиятларни яратиш ва тизимли қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги минтақавий, субминтақавий ҳамкорликни юксалтириш заруратидан келиб чиққан ҳолда касбий-педагогик таълим жараёнини такомиллаштириш, талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларда деонтологик компетентликни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида, илғор хорижий тажрибаларга таяниб маънавий-маърифий ишлар ривожини фан ва технология ютуқлари билан ҳамоҳанг тарзда илмий таҳлил қилиш, айниқса, талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Республикамызда олий таълим муассасаларида инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларини ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг такомиллаштирилган дастурий-методик таъминоти яратилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, касбий-педагогик таълим жараёнларини ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.

талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш, медиатеكنولوجياлардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан А.Мусурманова, Т.Нарбаева, М.Қуронов, С.Нишанова, Н.Жўраев, А.Бегматов, Г.Махмудова, Б.Шермуҳаммадов, Р.Гаипназаров, О.Жамолдинова, К.Рисқулова, З.Салиева, У.Утановлар ўз тадқиқотларида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини ёритиб беришган. Н.Шодиев, Г.Азизова, М.Очилов, Н.Эгамбердиева, Б.Р.Жўраева ва бошқаларнинг ишларида касбий-педагогик таълим жараёнларини ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш махсус тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари А.Айдагулова, А.Ашанин, Н.Бейлина, Е.Борисова, М.Борытко, А.Воронин, Т.Иванайская, В.Кириллова, С.Куницына, Ю.Лившиц, Е.Макарова, О.Марачковская, Д.Пайдуков, О.Тогушованинг илмий изланишларида миллий маданият ва кадриятлар трансформацияси, касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш йўллари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан К.Дирли, Ф.Коенен, Р.Ланд, Р.Шавелсон, Г.Рейнгольд, С.Реид ва Г.Спенсер-Оатей кабиларнинг тадқиқот ишларида

маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда педагогик инновацияларни қўллаш, ижтимоий институтларнинг олий таълим билан интеграциясини таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

Муаммога доир илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур ишларда маънавий-маърифий фаолиятни самарали ташкил этишга йўналтирилган тарбиявий вазифаларини лойиҳалаш, маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллаш имконини берадиган ижтимоий лойиҳалар тизимини ишлаб чиқиш, талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда медиатеологиялардан фойдаланиш йўлларининг махсус тадқиқ этилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланиш олиб бориш зарурлигини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-159. “Шахс маънавий камолотини ривожлантиришнинг мазмуни ва ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш” (2009-2011) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг моҳиятини ёритиб бериш;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш;

ахборот таълим муҳити шароитларида талабаларни маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга тайёрлаш моделини такомиллаштириш;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг мультимедиа технологиясини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Наманган ва Гулистон давлат университетларининг 392 нафар респондент-талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш мазмуни, модели ва технологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган қуйидаги методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш тизимининг моҳияти (тавсифи, тузилмаси) аксиологик, фаолиятга доир, шахсий ёндашувларнинг касбий-педагогик таълим жараёнлари билан интенсив алоқадорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари бўлажак ўқитувчи шахси ва фаолиятига қўйиладиган талабларни деонтологик компетентлик билан мақбул уйғунлашувини белгилаш орқали аниқланган;

ахборот таълим муҳити шароитларида талабаларни маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга тайёрлаш моделининг амалий компоненти интерфаол тарбия шакллари ва ижтимоий лойиҳаларни аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг мультимедиали технологиясининг жараёнли-ташкилий босқичи матнли, тасвирий, ёрдамчи воситаларни олий таълим тарбиявий ишлари жараёнига жорий этишнинг адаптивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларнинг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш тузилмаси ва компонентлари аниқлаштирилган;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш омилларининг таъсир даражасини баҳолашнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашга доир медиа тадбирлар мажмуаси яратилган;

“Ёш маънавият тарғиботчилари”, “Маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиси” каби ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилган ва таълим амалиётга жорий этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги касбий- педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашни такомиллаштиришга доир илмий-назарий ёндашувлар, қарашлар ва ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “касбий-педагогик таълим жараёни”, “маънавий-маърифий фаолият”, “маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятининг ёритиб берилганлиги, талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш омиллари, тарихий, фалсафий, педагогик-психологик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги,

касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик имкониятларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ахборот таълим муҳити шароитларида талабаларни маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга тайёрлаш модели ва мультимедиали технологиясининг такомиллаштирилганлиги, интерфаол тарбия шакллари ва ижтимоий лойиҳаларни аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллаш йўлларининг кўрсатиб берилганлиги, талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш омилларининг таъсир даражасини баҳолашнинг диагностик воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашга доир медиа тадбирлар мажмуасининг яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш тизимининг моҳияти, аксиологик, фаолиятга доир, шахсий ёндашувларнинг касбий-педагогик таълим жараёнлари билан интенсив алоқадорлигини ҳисобга олиш, талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш, бўлажак ўқитувчи шахси ва фаолиятига қўйиладиган талабларни деонтологик компетентлик билан мақбул уйғунлашувини белгилашга доир таклиф ва тавсиялардан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” концепциясининг “Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш” номли 4-йўналишини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини оширишга эришилган;

ахборот таълим муҳити шароитларида талабаларни маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга тайёрлаш моделининг амалий компонентини такомиллаштириш, интерфаол тарбия шакллари ва ижтимоий лойиҳаларни аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллашга доир амалий тавсиялардан педагогик таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак педагогларнинг маънавий-маърифий фаолият соҳасига доир малака талаблари тизимини такомиллаштиришга эришилган;

талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг мультимедиали технологиясининг жараёнли-ташкилий босқичини такомиллаштириш, матнли, тасвирий, ёрдамчи воситаларни олий таълим

тарбиявий ишлари жараёнига жорий этишнинг адаптивлигини таъминлашга доир тавсиялардан ОТ-Ф1-36. “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2016-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлигини ташхис этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, 137 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланиб, назарий адабиётларни таҳлил қилиш асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш соҳасидаги назарий ёндашув ва йўналишлар таҳлил қилинган, касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг мазмун-моҳияти ва мавжуд ҳолати баён этилган.

Замонавий юқори малакали мутахассисга ижтимоий буюртма кўп ҳолларда шахс ва фаолиятнинг сифатли тавсифномаларига кўйилган объектив талаблар билан белгиланади. Айнан таълим сифатини такомиллаштириш давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини амалга ошириш суръати, сифати ва усулларига аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда.

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши, Олий таълим тизимида таҳсил олаётган мутахассисларнинг педагогик маҳорати ва креатив қобилиятларига нисбатан

талабларнинг ортиб бораётганлиги, жамият олдига ҳар бир педагогни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш учун олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш ҳамда уни рўёбга чиқаришга қулай шароитларни яратиш муаммосини қўймоқда. Чунки бундай эҳтиёж педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган тарбия технологиялари асосини ташкил этувчи жамиятдаги янгича қарашлар–объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини тушунадиган, инсоний кадр – қимматни улуғлайдиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Айтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарорининг қабул қилиниши, Олий таълим тизимини 2017–2021-йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори, “Таълим тўғрисидаги Қонун”нинг янги лойиҳаси каби муҳим меъёрий ҳужжатларда шакллантирилган Олий таълим муассасаларида соҳага оид маънавий-маърифий ишлар масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш шакллари ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб қилади.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, таълим жараёнини сифат ва самарадорлигини ошириш бевосита талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга боғлиқ бўлиб, биз тадқиқотларимиз жараёнида “касбий педагогика” ва “маънавий-маърифий” тушунчаларининг луғавий маъноларини изоҳлаб ўтишни лозим деб топдик.

Бир қатор педагогик адабиётлар таҳлили ва педагогик луғатларда “касбий педагогика” ҳамда “маънавий-маърифий” тушунчалар қўлланилади. “Маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Фикримизча, бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир – биридан фарк қиладиган фикр–мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан уларнинг қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Талабаларни касбий- педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш бевосита маънавий–ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш жараёни билан уйғунликда кечади. Фаннинг тадрижий тараққиётида ёшлар маънавий фазилатларини шакллантириш муаммоси ўзининг ўрганилиши жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этиб келган. Қатор илмий манбаларда маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси муаммоларининг ечимини топиш масалалари А.Мусурманова, М.Қуронов, Н.Эгамбердиева, З.Солиевалар томонидан илмий таҳлил этилган. Олимлар ўз тадқиқотларида

ёшлар маънавий камолотида таълим муассасалари ва оиланинг ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтади.

А.Мусурманованинг фикрича, ёшлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда улар онгида халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, адолат, маърифат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини ҳар бир ёш онгига сингдириш талаб этилади. Ёшлар онгига мазкур юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни сингдиришда уларнинг қизиқиши, интилиши, майли, орзу-ўйлари, қобилияти, малака ва кўникмалари муҳим рол ўйнайди.

Биз эса, А.Мусурманованинг фикрларига таянган ҳолда, талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга таъсир кўрсатадиган индикаторларни ўрганиб чиқиб, уларни қўйидаги кўринишда тасниф этдик:

- ёшлар онги ва қалбида илмий, маънавий - ахлоқий, сиёсий, соғлом диний эътиқодни уйғун шакллантириш;

- ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали талаба - ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенциялар, билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар туркумларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

- ёшларда маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик, давлат рамзларига ҳурмат, замонавий билимларга интилиш, медиа маданиятни ривожлантириш, тарбия борасидаги илғор педагогик технологияларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида хорижий давлатларга илмий сафарлар уюштириш;

- маънавий-маърифий тарбия негизида ёшларда мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни шакллантириш кабиларга алоҳида эътибор бериш.

Б.Шермухаммадов тадқиқотларида ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий истиқлол ғоясининг халқ мафкурасига айланиши мамлакатда барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилиши илмий асосланган ҳолда қўйидагича фикр билдирилган. “Маълумки, барча замонларда бунёдкор мафкураларнинг мазмун-моҳияти таълим-тарбиянинг шаклланиши ва раванқ топиши билан узвий боғлиқ бўлган. Тарихий даврларнинг турли босқичида халқимиз томонидан яратилган ғоялар инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби жиҳатларни ифодалаб тарбиявий йўналишларнинг шаклланишига асос бўлган. Бу жараён илмий-тарихий нуқтаи назардан катта тарихий даврни ўз ичига олган бўлиб, мазкур технологиялардан маънавий-маърифий ишлар тарғиботида ҳам самарали фойдаланиш эҳтиёжини туғдиради”.

М.Қуронов илмий изланишларида, маънавиятсизлик “касали”, ахлоқсизлик “эпидемияси” ҳар қандай бактериологик қуролга қараганда кўпроқ “руҳий вайроналик” келтириши ҳақида қуйиниб гапирди.

“.....Моддий, иқтисодий, илмий-техник салоҳиятнинг зарурлигини инкор этмаган ҳолда, келажак пойдевори – маънавият, деб белгиланди” деган концепцияни келажакимиз бўлган ёшлар онгига сингдириш орқали тарбия жараёнини ташкил этиш талабаларда инсоний фазилатларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Биз эса олимнинг фикрларига таянган ҳолда ёшлар маънавий-маърифий тарбиясида миллий маданий меросимиз ролини алоҳида кўрсатиб ўтган ҳолда, ахборот таҳдидларидан ҳимояланган талаба маънавиятсизлик “касали” гирдобидан узоқда яшайди деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. Маънавият инсоннинг руҳияти, ўз – ўзини англаши, дид, фаросати, адолатни разилликдан, яхшиликдан, ёмонликни гўзалликни хунуқликдан, оқилликни жоҳилликдан ажрата билиш қобилияти, ақл заковати уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиши ва интилиши.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланади. Мазкур бобда электрон таълим муҳити шароитида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш мазмуни, самарали технологиялари ва диагностик тизими ёритиб берилган.

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда автодидактика, мантиқийлик, эркинлик, фаоллик, изчиллик, ташаббускорлик, системалилик, ижодкорлик, қиёсий таҳлил, ҳаққонийлик, толерантлилик ва қизиқувчанлик каби тамойилларга амал қилинади. Ушбу тамойиллар ўзаро алоқадорликда ва мутаносибликда талабаларнинг ўз устида мустақил ишлаши ҳамда таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.


Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда билим олиш эҳтиёжларининг ривожланиши уни фаолиқка ижодкорликка ундайди ва шу билан бирга унинг олдида дарслиқда берилган маълумотларга қўшимча равишда касбга оид билим ва малакаларни эгаллаш вазифасини қўяди.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) таълимнинг интерфаол методларининг амалий асослари ҳисобланади. Ўқитишдаги АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) – бу ОТМ таълим жараёнида фойдаланиш учун маълумотларни тўплаш ва узатишнинг шакл, усул, воситалари йиғиндиси ҳисобланади. Улар аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг қуйидаги турларида қўлланилади: маърузаларда, амалий ва гуруҳли машғулотларда, семинарларда, махсус-тактик машғулотлар ва ўқув машқларида, талабаларнинг мустақил ишларида.

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш компонентларини шакллантириш ўқитувчиларни компетентлилик даражасига, шунингдек таълимни ташкил этишнинг педагогик компонентларига боғлиқ бўлиб, биз тадқиқот доирасида

бўлғуси педагогларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда педагогик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик моделини такомиллаштирдик .

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган технологик модел яхлит тизим сифатида ўзида тайёрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, концептуал ва мақсадга йўналганлик, диагностик, методологик, амалий ва натижавийлик компонентларини акс эттиради (1-расмга қаранг).



1-расм. ГКП таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг технологик модели

Мақсадга йўналтирилган компонентни амалга ошириш жараёнида педагогларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёнининг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди. Бўлғуси ўқитувчиларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёни мақсадидан келиб чиққан ҳолда, кўйидаги вазифалар белгилаб олинди: бўлғуси ўқитувчиларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёнига креатив ёндашув даражасини аниқлаштириш; “Маънавият кунлари” ва “Ахборот ва мураббийлик соатлари” машғулотларини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш, шунингдек, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш, шахслараро самарали мулоқотга эҳтиёжни рағбатлаш ва тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини оширишга интилиш; бўлғуси педагогларда эмоционал ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантириш.

Диагностик аппарат ўзида тест, ақлий хужум, сўров, анкета ва интервью методларини акс эттирди. Фикримизча, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш узвийлигини таъминлашда медиатехнологиялардан фойдаланиш, тарбия воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда қўллаш имконини беради. Айни вақтда “Аппарат-матнлар” тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, матнли альбомлар ва бошқалар) дан оммавий равишда фойдаланилмоқда. Бу эса педагогларнинг ўзаро мулоқот ва баҳс мунозара қилиш имкониятини кенгайтириши билан бирга, тарбия лойиҳаларини яратишда педагог-технолог ва методистларнинг касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

Асосий босқичда касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш жараёнини амалий фаолиятда акс эттирувчи ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёнини ўзида индивидуал ва гуруҳий иш шакллари; қўйилган мақсадга эришиш имконини берувчи воситалар: вербал – ахборотни узатиш, бироқ маълум натижага эришиш мақсадида суҳбатдошнинг хулқ-атворини ўзгартиришга таъсир этиш воситаси сифатида сўз; новербал – овоз, интонация, мимика, тана тили, ташқи кўриниш кабиларни акс эттирди.

Ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик тренингларда ауто-психологик машқлар, ролли ва ишбилармонлик ўйинлари, инновацион таълим технологияларидан мунозара, проектив расм, қарорлар шажараси, заковатли зукко, адолат ўлкасига саёҳат, вазиятлар таҳлили каби интерфаол методлардан самарали фойдаланилди.

Бизнинг назаримизда, талаба томонидан қабул қилинаётган реал ҳаётнинг образи унинг ташқи муҳитни тўғри қабул қилиш даражаси, имконият факторлари билан боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, талаба ёшлар маънавий - маърифий ишлар самарадорлигига эришиш бир нечта фалсафий категориялар асосида амалга оширилади.

Булар: субстанционал категориялар, функционал категориялар ва аксиологик категориялар.

- субстанционал категорияларга “маънавият”, “маърифат”, “маданият”, “адолат”, “имон”, “этикод”, “диёнат” каби тушунчалар киради.

- функционал категорияларга “инсонпарварлик”(гуманизм), “маърифатпарварлик”, “ҳақгўйлик”, “адолатпарварлик”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”, “жасурлик” каби умумий тушунчалар киради.

- аксиологик категорияларга “комил инсон”, “фозил инсон”, “ориф инсон” каби маънодош тушунчалар, шунингдек, “адолатпарвар”, “инсонпарвар”, “маърифатпарвар”, “фидойи инсон”, “имонли инсон” тушунчалари киради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда ижтимоий-педагогик компетентликларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш мақсадида қулай воситалар ва технологияларни танлаш лозим. Шу билан бир қаторда талабаларнинг интилишлари, истакларини қондириш имкониятлари уларни тарбиялаш ва ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи куч эканлигини ҳисобга олиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб касбий-педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда қуйидаги тенденцияларга эътибор қаратиш муҳим. Булар:

- бўлажак ўқитувчилар эътиборини ўтмишда аждоқларимиз томонидан яратилган бой педагогик меърос ва халқ педагогикасини чуқур ўзлаштиришга жалб қилиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик дунёқарашини замонавий педагогик ёндашувлар, назариялар ва концепциялар асосида мунтазам ривожлантириш ;

- бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришда педагогика олдида турган ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга улар эътиборини қаратиш;

- тарбия соҳасидаги педагогик назарияларни бўлажак ўқитувчилар онгига босқичма-босқич сингдириш;

- тарбиявий жараёнларга раҳбарлик қилиш услублари билан бўлажак ўқитувчиларни қуроллантириш;

- олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларга инсон омилига эътибор қаратиш, ўқувчиларда ҳақиқий инсоний сифатларни шакллантириш кўникмасини таркиб топтириш;

- олий педагогик таълим тизимида тарбия жараёнини бўлажак ўқитувчи шахсига йўналтириш кабилар

Тадқиқот доирасида диссертация ишининг мавзуси, мақсади ва илмий фаразига таянган ҳолда, тажриба - синов базаси сифатида танланган Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида “Маънавият фаоллари Маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Марказнинг асосий мақсади: маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши тадқиқ этиш, унинг натижаларидан ўқув-тарбиявий ишлар жараёнида фойдаланиш.

Марказнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- узлуксиз таълим тизимини педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- педагогик кадрлар сифатини ошириш, бозор иқтисодиёти ва очик жамият таълим тизимига қайта мослашиш;

- педагогик таълим тизимини миллий анъаналар ва замонавий хорижий тажрибалар асосида услубий ва мазмунан янгилаш;

- касбий таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур камчиликлар талаба-ёшларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашни маълум тизимда, янги педагогик технологиялар асосида ҳам таълим, ҳам тарбиявий ишларни узвий ташкил этиш механизмини яратишни тақозо этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш самарадорлиги”** деб номланди ва тажриба-синов учун тавсия этилган махсус методика қуйидагича шакллантирилди: респондент сифатида белгиланган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Наманган ва Гулистон давлат университетларининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовинлари, академик гуруҳ раҳбарлари ва соҳа масъуллари учун педагогик сўровнома; олий таълим муассасалари педагогик жамоанинг инновацион фаолият борасидаги назарий билимлари даражасини баҳолаш имконига эга бўлган анкета сўрови; маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этишнинг “Маънавиятшунослик”, “Педагогика” ва ижтимоий - гуманитар фан ўқитувчилари, шунингдек, талабалар маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш учун яратилган педагогик шарт-шароитларга баҳо бериш ва мавжуд қийинчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан ўзаро фикр алмашишга қаратилган суҳбатлар.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш йўналиши, усули ва қўлланиш соҳасига кўра икки гуруҳга бўлинади;

- тарбиянинг ташқи кўриниши – талаба шахсининг фикрлаши, ҳаракатлари, натижаларининг ифодаси билан боғлиқлиги;

- тарбиячилар кўзидан яширин-далиллаш, ишонтириш, режалаш, мослашиш каби ҳолатлар билан боғлиқлиги.

Талабаларнинг тарбияланганлик мезонларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўргандик:

1. Талаба-талаба муносабатлари: ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч ва дўстлик, талаба ҳақидаги маълумотлар орқали унинг хулқи ва характерини англаш; мураккаб вазиятларда бир-бирига ёрдам бериши; курсдош дўстлари қизиқишларини ҳурмат қилиши; мустақил, танқидий фикрлаши, ўз-ўзини тарбиялаши; ҳиссий қўллаб-қувватлаши; жамоа фикрига ҳурмат; бир-бирларининг ижодий хислатларини қўллаб-қувватлаши; гуруҳдаги муаммоларни ҳал этишда бирдамлиги; факультет ва университетда соғлом муҳитни қарор топтиришидаги ҳиссаси кабилар сўровлар, тестлар, суҳбатлар, интервьюлар, дебатлар, анкета иш шаклларида фойдаланилди ҳамда

социометрия, референтометрия методлари қўлланилди, мулоқот сўровномалари ўтказилди.

Талаба-талаба муносабатларида хулқ-атвор маданиятини шакллантиришда инсоннинг кундалик (маиший меҳнат, бошқалар билан мулоқотда) хулқи шаклланининг мажмуи сифатида, уларда мазкур хулқнинг ахлоқий ва нафосат меъёрлари акс этиши, инсоннинг ташқи ва ички маданияти соҳалари: хушмуомалалилик, инсонлар билан муносабат қоидалари, жамоат жойларида ўзини тутиши, шахсий эҳтиёжлар ва қизиқишлар характери, ишдан ташқарида инсонларнинг ўзаро муносабатлари, шахсий вақтини ташкил этиши, гигиена, истеъмол предметларини танлашда эстетик таъбни, мимика ва пантомимиканинг нафосат хусусиятлари, юз ва тана ҳаракатларини ўз ичига олган маиший турмуш маънавияти кузатилади.

Тажриба-синов ишлари учун олий таълим муассасалари ихтиёрийлик тамойили асосида танлаб олинди. Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш юзасидан тадқиқот ишлари уч босқичда амалга оширилган бўлиб, ушбу босқич мазмуни қуйидагича шакллантирилди:

Тадқиқот ишлари 2016-2020 йилларда 3 босқичда амалга оширилди

Тажриба-синов ишларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Наманган ва Гулистон давлат университетларининг 392 нафар респондент-талабалари ва 12 нафар тажриба олиб борувчи ўқитувчилар жалб қилинди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди.

1. Диагностик босқич. (2016-2018 йй.) миллий тафаккур ва маънавий маданиятни ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш, педагогик назария ва амалиётдаги ҳолатни ўрганиш асосида талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштирилди. Бунинг учун педагоглар ва респондент талабалар учун анкета сўровномалари тақдим этилди, суҳбатлар ўтказилди, кузатиш ишлари амалга оширилди.

2. Таълимий-тарбиявий босқич (2018-2019 йй.). Ишлаб чиқилган методик ишланмалар, модулли технология, режа, дастур асосида талабаларда касбий педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш юзасидан тажриба-синовдан ўтказилди.

4. Якуний – умумлаштирувчи босқич (2019-2020 йй.). Тажриба-синов ишлари натижалари умумлаштирилди. Ушбу натижалар “Стьюдент-Фишер”, “Пирсон” критерияларини қўллаб математик-статистик таҳлил этилди.

Олинган натижалар асосида илмий хулосаларга келинди ва амалий тавсиялар мажмуини ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

а) талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳозирги кундаги ҳолати ва уни такомиллаштириш усуллари аниқланди. Талабаларнинг “маънавият”,

“маърифат” тушунчалари, кўникмаларини ва малакаларини талаб даражасида шакллантириш бўйича машғулотлар мазмуни, шакл ва усуллари тўғрисида далиллар тўпланди, мазкур мавзу бўйича илмий-назарий, таҳлилий материаллар тўплами жамланди;

б) тажриба-синов ишларининг дастлабки таъкидловчи босқичида мавзунинг илмий-методологик асоси ҳисобланган: фалсафанинг билиш тўғрисидаги диалектик қонунияти; мутафаккирларининг педагогик қарашлари; комил инсон тарбияси, таълим самарадорлигини таъминлаш, таълим менежменти, рақобатбардош, компетентли педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъерий асослари (таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идораларнинг ҳамда таълим ва ёшлар ҳуқуқлари мақоми борасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлари); талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш борасидаги халқаро илмий ғоялар ва ижобий тажриба; мавзуга оид педагогик, психологик, методик манбалар ўрганилди, таҳлил қилинди, олий таълим муассасалари бўлғуси педагогларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш бўйича амалиётдаги мавжуд ҳолат аниқланди (фанларни ўқитиш бўйича ДТСлари, тажриба-синов учун танланган модулларнинг наъмунавий ва ишчи ўқув дастурлари, ЎМКлар ўрганилди, таҳлил этилди), олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий-маърифий, тарбиявий жараёнларни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакалари ўрганилди.

в) социометрик (анкета ва тест сўровномалари, суҳбат) ҳамда педагогик кузатиш методлари ёрдамида амалиётдаги талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш даражаси ўрганилди, мезонлари аниқланди, тадқиқот мавзуси доирасида янги модуллар ишланди.

Ушбу босқичда олинган дастлабки натижалар умумлаштирилди, таҳлил қилинди, навбатдаги босқич тажриба-синов ишлари учун илмий-методик материаллар тайёрланди. Яъни: ишлаб чиқилган модуллар бўйича талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш бўйича медиа матнлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий характердаги илмий-назарий, оммабоп матнлар, таълимнинг инновацион технологиялари тадқиқот учун танланган тоифа респондентларнинг талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш даражасини белгиловчи индикаторлар, таълим методлари тизими, малака талаблари, дидактик шарт-шароитлари ва бошқалар. Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш бўйича тадқиқот ишлари ўтказилди ва натижалар умумлаштирилди. Тадқиқот ишларининг ушбу босқичида биз аниқлаган талабаларни касбий-педагогик таълим

жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган методика синовдан ўтказилди.

Олий таълим муассасаларида ўтиладиган ижтимоий гуманитар фанлар негизидаги маъруза ва амалий машғулотлар, “Маънавият кунлари”, “Ахборот ва мураббийлик соатлари” ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар танлаб олинди. Тажриба-синов натижалари самарадорлигига қаратилган тамойиллар белгиланди: яъни, улар тажриба-синов натижасини олдиндан кўра билиш; манбаларнинг илмийлиги; тадқиқотнинг изчиллиги, мантикийлиги ва узвийлиги; танланган таълим шакл, метод ва воситаларининг таълим мақсад ҳамда вазифаларига мослиги; замонавий интерфаол таълим технологиясининг устуворлиги; материалнинг соддалиги, ижтимоий-лингвистик характерда бўлиши; ҳаққонийлик; натижани баҳолашда шаффофлик ва адолатлилик; танланган материалларнинг талаба, таълим менежери касбий-педагогик компетентлигига, шахсий ва психологик хусусиятларига мослиги; бор ақлий салоҳият ва имкониятни рўёбга чиқаришга йўналтирилганлик; таълим мазмунининг ҳаёт билан ҳамнафаслиги; халқаро илғор тажрибанинг устуворлиги; фаолиятнинг эркин фикрлаш ва мулоқот қилишга йўналтирилганлиги; мотивациянинг устуворлиги ва бошқалардан иборат.

